

## ТАНИҚЛИ ИЖОДКОР ВА ОЛИМ

### НОРАЛИ БЕРДИЕВ 80 ЁШДА СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

**Шомат Саматов**

*Термиз давлат университети  
профессори, фалсафа фанлари  
доктори*



Мақоламиз қаҳрамони-зукко олим, моҳир педагог, беназир ижодкор, маҳоратли таржимон Норали Бердиев муборак 80 ёшга етди.

Н.Бердиев 1946 йилнинг 3 сентябрида Сурхондарё вилояти, Бойсун туманининг Юқори Мачай қишлоғида чўпон оиласида таваллуд топди. Шу боис болалиги ниҳоятда машаққатли кечди. Қишлоқда ўрта мактаб бўлмаганлиги сабабли, меҳнат фаолиятини 1965 йилдан собиқ Гагарин (ҳозирги Музработ) туманида курувчи бўлиб ишлашдан бошлади. Ўрта маълумотни 1967 йилда, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Музработ туманидаги М.Улуғбек номли кечки ишчи-ёшлар мактабида олди.

Юксак истеъдод соҳиби Н.Бердиев ҳали мактабда ўқиб юрган йиллариданоқ газета-журналларга мақола ва хабарлар, шеърлар ёзиб турарди, келажакда шоир ёки адабиётшунос бўлишни орзу қиларди. Шу мақсадда у 1967-1972 йилларда республикамизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатиб, **“филолог-адабиётшунос”** мутахассислигини эгаллади.

1972-1974 йилларда иқтидорли офицер сифатида, Россия Федерациясида икки йил ҳарбий хизматда бўлди. Рота командири ўринбосари лавозимида намунали хизмат қилди.

1974-1975 йилларда Сурхондарё вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мусиқа ва эстетика кабинети мудири лавозимида ишлади.

Бўлажак олим 1975-1977 йилларда М.Т.Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институти (ҳозирги ТерДУ) фалсафа кафедрасида ўқитувчилик қилди. 1977-1980 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида эстетика мутахассислиги бўйича аспирантурада таҳсил олди. У 1986 йилда Боку шаҳрида, Озарбойжон давлат университети қошидаги махсус илмий кенгашда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, ЎзРда хизмат кўрсатган фан арбоби, А.Р.Беруний номидаги ЎзР Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермухамедов илмий раҳбарлигида **“Ўзбекистонда илмий-материалистик эстетика тамойилларининг қарор топиши учун ғоявий кураш тарихидан”** мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1991 йилда унга доцентлик илмий унвони берилди.

У 1993-2003 йилларда ТерДУ этика, эстетика ва дин тарихи кафедраси мудири; 2003-2005 йилларда эса маданиятшунослик кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди.

Узоқ йиллар мобайнида **“Термиз университети”** газетаси ва **“Термиз давлат университети ахборотномаси”** журнали таҳририят аъзоси сифатида фаол қатнашди.

Н.Бердиев фалсафа, эстетика, адабиётшунослик фанларининг умумназарий ва методологик масалаларига оид илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланади ва бу борада республикамизда энг нуфузли олимлар қаторида эътироф этилади.

Олим илмий-тадқиқотчилик қизиқишларининг етакчи йўналиши Ўзбекистонда эстетик фикр тарихини ўраниш ҳисобланади. Жумладан, унинг номзодлик диссертациясида 1917-1936 йилларда Ўзбекистондаги мураккаб, ўта зиддиятли тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаёт шароитлари даврида мавжуд бўлган турли эстетик назарияларга қарши ғоявий курашда илмий-материалистик эстетика тамойиллари қарор топиши қонуниятлари ва хусусиятларини ёритиб берган. Бу борада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Акмал Икромов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Олим Шарафутдинов, Раҳмат Мажидий ва бошқа ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати вакиллари фаолиятлари илмий тадқиқ этилган. Шунингдек, ишда илмий-материалистик эстетикага муқобил бўлган турли идеалистик ва вульгар-социологик назариялар вакиллари эстетик қарашларининг илмий-танқидий таҳлили берилган.

Н.Бердиев олий ўқув юртида талабаларга фалсафа фанлари бўйича ҳам рус, ҳам ўзбек тилларида юқори илмий-назарий ва услубий савияда дарслар ўтиш билан биргаликда бу фанларни ўқитишга оид илмий-методик материалларни тузиш ва нашр этиш соҳасида ҳам қатор хайрли ишларни амалга оширган.

Н.Бердиев 100 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп асарлар муаллифидир. Улар танланган мавзуларнинг долзарблиги, тадқиқот услубининг янгилиги, назарий-манتيкий таҳлилнинг теранлиги, илмий хулосаларнинг етарли асосланганлиги, фактик материаллар, далилларга бойлиги, баённинг равлонлиги каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунингдек, муаллиф илмий ишларида масалага ижодий, танқидий ёндашиб, уни янгича ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Жумладан, “Фалсафанинг предмети ва вазифалари” асарида муаллиф фаннинг объекти, предмети, таркиби, функциялари, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти масалаларини ўзининг янги, ижодий нуқтаи назари, назарий ва методик

мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича баён этган.

Бошқа бир ишида олим Ўзбекистонда XX асрнинг 80-90-йилларида **маънавий таълим** бўйича тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган мулоҳазаларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, бу таълимнинг тўғри илмий таърифини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган.

Н.Бердиев ўзининг қатор асарларида жаҳонда ва Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихи тараққиёти ҳамда унинг йирик вакиллари таълимотлари тадқиқ этилган. Жумладан, буюк рус мутафаккири Н.Г.Чернышевскийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, ижоди ва ҳаёти, унинг жаҳон ва рус фалсафий фикр тарихидаги ўрни, буюк хизматлари кўрсатиб берилган.

Муаллиф бой илмий-назарий ва фактик материал асосида Алишер Навоийнинг севги ва оила масалаларига оид фалсафий қарашларини атрофлича таҳлил қилиб, буюк шоир ва мутафаккирнинг уйланмай ўтганлиги сабабларини аниқлаб чиққан. Яна бир мазмундор мақолада академик Саид Шермухамедовнинг Ўзбекистонда йирик файласуф-олим сифатидаги илмий фаолият ва хизматлари баён этилган.

Н.Бердиев, айниқса, Ўзбекистонда эстетик фикр тарихи тараққиёти масалаларини илмий тадқиқ этишда катта эътибор беради. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда энг қадимий эстетик фикр тарихидан намуна сифатида XI-XII асрларда яшаб ижод этган шоир Адиб Собир Термизийнинг адабиёт ва санъатга оид назарий-эстетик қарашлари таҳлил қилинган. Йирик ўзбек ва тожик адиби Садриддин Айнийнинг адабий-эстетик қарашлари баён этилган.

Улкан ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг адабиёт ва санъат, мазмун ва шакл, тил ва услуб, кулги ва комиклик масалаларига оид адабий-эстетик қарашлари таҳлиliga бағишланган туркум мақолалари мавжуд. Йирик ўзбек адиби Ғафур Ғуломнинг инсон гўзаллиги ҳақидаги эстетик қарашлари таҳлил этилган.

Н.Бердиевнинг қатор асарлари ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган. Олим

махсус мақолаларида Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги хикоятларнинг ғоявий-эстетик аҳамиятини очиб берган. Навоий қатъалари, туюқлари ва фардларининг рус тилида таржималарини танқидий жиҳатдан таҳлил этган. Алишер Навоий тўғрисидаги туркум эсселарида муаллиф ўзининг чуқур зехни мушоҳадалари билан бирга нозик бадиий-эстетик дидини баён этган. Уларда буюк шоиримиз ва мутафаккиримиз ҳаёти ва ижодининг турли қирралари қизиқарли мавзулар ва фактлар таҳлили асосида мароқли баён этилган.

Н.Бердиев асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг рус тилидаги таржималари ва нашрлари ҳақида маълумотлар берилган ва муносабатлар билдирилган. Ғафур Ғуломнинг “Вакт” шеърининг ғоявий-фалсафий мазмуни баён этилган. Истеъдодли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг ўз устозлари Н.В.Гоголь ва А.П.Чеховдан олган ижодий сабоқлари ҳақидаги мулоҳазалари таҳлили масаласида ўзбек ва рус адабиётлари ўртасидаги самарадор адабий алоқалар масаласи ишончли далиллар асосида кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда-Янги Ўзбекистонда олий ўқув юрти талабаларини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш энг долзарб масаладир. Бу борада айниқса фалсафа бўйича **рус тилида дарслик ва ўқув қўлланма яратиш ўта зарур муаммо бўлиб қолмоқда.**

Кувонч билан айта оламизки, бу борада 2025 йили охирида Термиз давлат университети нашриётида Н.Бердиевнинг олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган 565 бетдан иборат **рус тилидаги “Философия”** ўқув қўлланмасининг чоп этилиши фавқуллодда катта воқеа бўлди, дейишга тўлиқ асосимиз бор. Олим қўлланмада бой назарий ва методик материаллардан кенг фойдаланган ҳолда рус тилида фалсафа фани асосларини атрофлича ёритиб берган.

Н.Бердиев педагогик, илмий-тадқиқотчилик ишларидан ташқари бадиий

иждо билан шуғулланиб, шеърлар ёзади.

Иждокорнинг шеърятга қизиқиши 1960-йиллардан, яъни мактабда ўқиб юрган даврдан бошланган. 1964 йилдан буён эса у нафақат ўзбек, балки рус тилида ҳам шеърлар ёзиб келмоқда.

2003 йилда Тошкентдаги “Янги аср авлоди” нашриётида Н.Бердиевнинг **“Лучший подарок” (“Энг яхши совға”)** номли рус тилидаги илк шеърый тўплами нашр этилди. Ушбу тўплам 2009 йилда Қарши шаҳридаги “Насаф” нашриётида тўлдирилган ва тузатилган ҳолда **“Песнь соловья” (“Булбул навоси”)** номи билан қайта чоп этилди.

Ушбу тўпламларга шоирнинг 1995-2009 йилларда рус тилида ёзган шеърлари, рубоийлари, тўртликлари, А.С. Пушкинга тақлидлари, ўзбек тилидан русчага қилинган таржималари киритилган.

2005 йилда Гулистон шаҳридаги **“Зиё”** нашриётида Н.Бердиевнинг ўзбек тилидаги шеърлари ва таржималарини ўз ичига олган **“Икром”** номли тўплами дунёга келди. Бу тўплам янги шеърлар ва таржималар билан тўлдирилиб, 2006 йилда Қаршидаги **“Насаф”** нашриётида **“Шукрона”**, 2009 йилда эса ўша нашриётда **“Дунё ўйлари”** номи билан нашр этилди.

**“Дунё ўйлари”** тўпламида муаллифнинг 15 та шеърлари, 70 та рубоийлари, 21 та тўртликлари, 6 та тажнислари, 28 та қатралари, А.С. Пушкин шеърларига ёзган 38 та тақлидлари, рус тилидан ўзбекчага қилган 100 дан ортиқ таржималари ўрин олган.

Н.Бердиев нафақат файласуф-олим сифатида илмий-тадқиқот ишларида, балки файласуф-шоир сифатида ўз шеърый асарларида оламнинг моҳияти, сир-асрорлари, муаммолари, инсоннинг дунёдаги ўрни ва вазифаси, ҳаёт мазмуни, ҳақиқат, эзгулик, бахт, илм-маърифат, одоб-ахлоқ, севги-муҳаббат каби фалсафий ва ҳаётий мавзулар ёрқин бадиий образларда тасвирланган. Шоир олам ва одамни бутун мураккабликлари, қарама-қаршиликлари билан узвий бирликда талқин этади, инсонни ҳаёт ноз-неъматлари, гўзалликларидан етарли баҳраманд бўлиб,

фаол, бахтли, фаровон турмушга етишишга, марокли, сермазмун умр кечиришга чорлайди.

Дунё сайргоҳдир, одамлар-сайёҳ,

Ажиб томоша кўп ташлаш-чун нигоҳ.

Сайр вақти қисқа, бўлингиз огоҳ,

Кўрмай қолибман, деб сўнг қилманг оҳ-воҳ.

Шоир олам моҳиятини тўғри билиб олиб, онгли, фаол ҳаёт кечириш учун илм-фан, ижод, ҳалол меҳнатнинг ролига юксак баҳо беради:

Мардлар майдонидир илму фан, ижод,

Қаллоблик, ғирромлик унга тамом ёт.

Кучу қудратингни синаб кўр унда,

Ҳалол меҳнат ила қозон шуҳрат, от.

Муаллиф олим ва шоир сифатидаги ўз камтарин вазифасини олам мушкулларини ҳал қилишда инсонга кўмаклашишда деб билади, шу билан фахрланади:

Вазифан камтарин-ижодкор, олим,

Дунё ўйлари-ла банддир ҳаёлим.

Ҳаёт мушкулларин ечиш бобида,

Инсонга наф бериш-мақсад-омолим.

Илму фаннинг аҳамиятини юксак қадрлаган шоир уни сохта “ихтиро”га беҳуда сафсата сотишга айлантирмасликка чақиради, фан ва олимликнинг вазифаси олам қонуниятларини ҳаққоний равишда очиб беришда эканлигини таъкидлайди:

Олимлик номига қилмасман даъво,

Амриқо очишга ҳожат йўқ асло.

Фақат бир илтимос-сафсата сотиб,

Илму фан қадрини этмангиз расво.

Н.Бердиев шеърлари одамларда илмий дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий хислатлар, бадиий-эстетик дид ва ғояларни тарбиялашга ёрдам беради.

Н.Бердиев ижодий фаолиятининг яна бир муҳим қирраси таржимонликдир. У ўзбек ва рус тилларида шеърлар ёзади, иккала тилдан бадиий таржималар қилади.

Н.Бердиевнинг **“Иқро”**, **“Шукрона”** ва **“Дунё ўйлари”** каби ўзбек тилидаги тўпламларида

А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов ва С.А.Есенин шеърий асарларининг русчадан ўзбек тилига таржималари чоп этилган. Чунончи, **“Дунё ўйлари”** тўпламига А.С.Пушкиннинг 89 та М.Ю.Лермонтовнинг 6 та, С.А.Есениннинг

15та шеърлардан иборат машҳур **“Форс тароналари”** шеърий туркумининг таржималари киритилган.

Айниқса, Н.Бердиевнинг буюк рус ёзувчиси А.С.Пушкин ижодига ихлоси баланд. У 2000 йилдан буён А.С.Пушкиннинг 90 та шеърлари, “Евгений Онегин” романидан 50 шеърий бандлар, IX-X боблар, “Қароқчи биродарлар”, “Тазит” поэмалари, “Шоҳ Никита ва унинг қирқ қизлари”, “Она айиқ ҳақида эртақ” шеърий эртақлари, “Буюк Пётрнинг ҳабаши”, “Рославлев”, “Хатлардаги роман” каби романлари, “Киржали”, “Миср кечалари” повестлари, “Хасис рицар”, “Тош меҳмон”, “Моцарт ва Сальери”, “Ўлат вақтидаги базм” драматик асарлари, 23 та адабий-танқидий мақолалари, 116 та парчалар ва қайдлари, 6 та эсдаликлари, 1 та саёҳатномаси, 8 та хатларининг таржималари киради. Таржималарнинг аксарият қисми турли газета ва журналларда чоп этилган.

Таржимоннинг бу таржималари 2025 йил охирида жуда катта ҳажмда (447 бет) Термиз давлат университети нашриётида **“Ҳайкал”** номи билан алоҳида тўплам ҳолида нашр этиб, китобхонларга тақдим этганлиги **адабий ҳаётда қувончли воқеа** бўлди.

Шу муносабат билан Н.Бердиевнинг номига Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Мухтор элчиси А.Ерхов томонидан миннатдорчилик мактубининг йўлланилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ижодкорнинг ўзбек тилидан русчага таржималари унинг “Лучший подарок” ва “Песнь соловья” тўпламларига киритилган. Чунончи, “Песнь соловья” тўпламига Атоийнинг “Ул санамки, сув ёқасинда паритек ўлтурур” матъали ғазали, Алишер Навоийнинг 10 та ғазаллари, 26 та китъалари, 15 та рубоийлари, 9 та туюқлари, 40 та фардлари, яъни жами 100 та шеърий асарлари, Ғафур Ғуломнинг “Гўзаллик нимада?” ва “Вақт” шеърларининг рус тилига таржималари киритилган.

Н.Бердиевнинг ўзбекчадан рус тилига таржимонлик фаолияти тўғрисида

гапирганда уч ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим. **Биринчидан**, Н.Бердиевдан олдин ўзбек шоирлари асарларини русчага ўгирган таржимонларнинг аксарияти ўзбек тилини яхши билмаганликлари боис матнни сатрмас-сатр таржима қилганлар. Натижада анча таржималар мукаммал чиқмаган. Н.Бердиев эса русчага таржима қилаётган шеърлар тилини пухта билганлиги боис унинг таржималари муваффақиятли чиққан. Уларнинг бир қисми илк бор Н.Бердиев томонидан бажарилган.

**Иккинчидан**, Н.Бердиев ўзбек шоирлари асарларини рус тилига ўгириш билан бирга бу борадаги таржимонлик тажрибасини илмий тадқиқот этиб келади. Муаллифнинг “Алишер Навоий фардларининг рус тилига таржималари ҳақида”, “Алишер Навоий туюқлари русча таржималарининг таҳлили”, “Ғафур Ғуломнинг икки шеърининг рус тилига таржималари ҳақида”, “Вакт фалсафаси”, “Таржималар мукаммал бўлсин”, “Тангри ким?” каби мақолалари фикримизнинг ёрқин далилидир.

**Учинчидан**, Н.Бердиев бошқа таржимонлар эришган ютуқлар ва улар йўл қўйган хато-камчиликларни кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, ўзи бажарган

таржима вариантларини тавсия этади.

Н.Бердиев бажарган таржималарда асл матннинг мазмуни, ғояси руҳ ва бадиий-тасвир воситалари тўлиқ сақлаб қолинган. Шунинг учун улар мукаммаллиги, асл матнга мослиги, аниқлиги ва янгилиги билан ажралиб туради.

Н.Бердиев амалга оширган таржималарни илмий-танқидий жиҳатдан атрофлича ўрганиб, уларга ҳолисона баҳо бериш таржимашунос мутахассисларнинг иши ҳисобланади. Таржимон бу борадаги муайян ютуқларга ўзбек ва рус тилларини, таржима қилинаётган матнни мукаммал билишидан ташқари шоирона иқтидорга эга бўлиши, адабиётшунослик ва таржимоншунослик илмларидан атрофлича хабардорлиги, машаққатли меҳнат туфайли эришгандир. Н.Бердиев ҳозирги кунда янги ижодий режаларни амалга ошириш ниятида қизгин фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, биз жонқуяр педагог, иқтидорли олим, хассос шоир ва моҳир таржимон Н.Бердиевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, унинг илмий-тадқиқотчилик, педагогик ва жамоатчилик фаолиятида янги ижодий парвозлар, бардошлилик тилаб қоламиз.